

ГИЁХВАНД МОДДАЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ҚАРАТИЛГАН ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ

МУРОДЖОН АТАБЕКОВ

мустақил изланувчи

Мақолада, халқаро ҳуқуқнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишга бағишланган. Шунингдек, мақолада халқаро ҳамкорлик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик, экстрадиция ва жиноятларни фош этишга оид ҳуқуқий чоралар, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни қонуний ва ноқонуний айланишига қарши курашишдаги халқаро ҳуқуқнинг аниқ механизмлари ҳамда Ўзбекистонда бу механизмларни амалга ошириш йўналишлари ёритилган.

Таянч сўзлар: халқаро ҳуқуқ, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, ноқонуний айланиш, БМТ Конвенцияси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, халқаро ҳамкорлик, экстрадиция, прекурсорлар.

АНАЛИЗ МЕЖДУНАРОДНЫХ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ, НАПРАВЛЕННЫХ НА ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ НЕЗАКОННОГО ОБОРОТА НАРКОТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ

Статья посвящена борьбе с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ, которая является одной из важных областей международного права. В статье также рассматриваются международное сотрудничество, сотрудничество с правоохранительными органами, правовые меры по экстрадиции и раскрытию преступлений, а также конкретные механизмы международного права в борьбе с легальным и незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ и направления реализации этих механизмов в Узбекистане.

Ключевые слова: международное право, наркотические средства, психотропные вещества, незаконный оборот, Конвенция ООН, правоохранительные органы, международное сотрудничество, экстрадиция, прекурсоры.

ANALYSIS OF INTERNATIONAL LEGAL ACTS AIMED AT COUNTERING ILLICIT DRUG TRAFFICKING

This article focuses on the fight against illicit trafficking in narcotic drugs and psychotropic substances, which is an important area of international law. The article also examines international cooperation, collaboration with law enforcement agencies, legal measures for extradition and crime detection, as well as specific international legal mechanisms for combating legal and illicit trafficking in narcotic drugs and psychotropic substances and the implementation of these mechanisms in Uzbekistan.

Keywords: international law, narcotic drugs, psychotropic substances, illicit trafficking, UN Convention, law enforcement agencies, international cooperation, extradition, precursors.

Барчамизга маълумки халқаро муносабатларнинг фаол иштирокчисига айланган Ўзбекистон бугунги кунда, 100 дан ортиқ халқаро ташкилотлар ва 200 га яқин турли соҳаларга оид халқаро конвенция ва шартномаларга аъзо. Мамлакатимизнинг асосий қонуни бўлган Конституцияда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиниши алоҳида таъкидланган.

Халқаро конвенциялар орасида маълум даражада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, шу жумладан, ички ишлар органлари фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлганларидан бири, БМТнинг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциясидир.

Конвенция халқаро характердаги жиноятларнинг муайян турига қарши курашиш тўғрисидаги одатдаги кўп томонлама ҳамда унга аъзо давлатлар ушбу соҳада ўзларининг миллий қонунчилигини шакллантирадиган асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатдир. Мазкур конвенция 1988 йил 20 декабрида Вена шаҳрида имзоланиб, 1990 йил 11 ноябрдан кучга кирган [1].

Конвенция муқаддима, 34 модда ва иловадан (I Жадвал ва II Жадвал) дан иборат бўлиб, матни инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларида қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралдаги қарорига мувофиқ қўшилган. Мазкур қарор 1995 йил 22 ноябрдан кучга кирган [2].

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, гиёҳванд воситаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасидаги биринчи халқаро шартнома 1912 йилги Гаага Конвенцияси бўлиб, унда гиёҳванд воситаларни ишлаб чиқариш, сотиш ва улардан фойдаланиш қонун билан чекланиши ва шундай фаолият фақат тиббий мақсадларда амалга оширилиши кераклиги белгиланган. Кейинги қарийб 50 йил

давомида гиёҳванд воситалар муомиласи билан боғлиқ яна тўққизта халқаро ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

БМТ томонидан Гиёҳванд воситаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасидаги халқаро шартномаларни бирлаштириш мақсадида 1961 йилда гиёҳвандлик воситалари тўғрисида ягона Конвенция қабул қилинди [3].

Ундан кейин 1971 йилда психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишининг олдини олишга қаратилган психотроп моддалар тўғрисида Конвенция қабул қилинди [4].

Мазкур икки конвенциядан кейин 1988 йилда “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисида” ги Конвенция қабул қилинди.

Жаҳон ҳамжамияти учун ушбу муҳим ҳужжатнинг қабул қилиниши БМТнинг аввалги икки конвенциясида назарда тутилган назорат чораларини янада такомиллаштириш зарурати билан боғлиқдир. Шу билан бирга, асосий эътибор халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий воситалари самарадорлигини мустаҳкамлашга қаратилганлигини таъкидлаш жоиз.

1961 йилдаги Ягона Конвенциянинг I ва II Рўйхатларида гиёҳвандлик воситаларининг, 1971 йилдаги Конвенциянинг I, II, III ва IV Рўйхатларида психотроп моддаларининг турлари келтирилган бўлса, 1988 йилдаги Конвенцияда I ва II жадваллар тасдиқланиб, прекурсорларнинг турлари киритилган.

Конвенциянинг асосий жиҳатларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, конвенциянинг муқаддимасида гиёҳвандликка қарши курашнинг кескин кучайиши билан бирга, ноқонуний айланув, чек қўйилиши ўта муҳим ва эътибор берилиши кечиктириб бўлмайдиган халқаро жиноий фаолият эканлиги тан олиниб, турли хил ижтимоий гуруҳлар орасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний савдоси тобора кўпайиб бораётгани, айниқса, ёш болалар ушбу жиноий фаолиятга жалб қилинаётганига алоҳида урғу берилган [5].

Конвенцияда асосий эътибор гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда давлатлараро муносабатларни ўрнатиш зарурлигига қаратилади.

Жумладан, Конвенциянинг мақсади гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг халқаро характердаги ноқонуний айланувига қарши курашни янада самарали олиб бориш учун ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат [2; 4].

Ушбу Конвенция бўйича мажбуриятларни бажаришда томонлар ўзларининг ички қонунчилигига мос келадиган зарур чораларни, шу жумладан, ташкилий ва қонунчилик чораларини кўришлари алоҳида таъкидланади.

Шундан келиб чиқиб, Халқаро ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси 1999 йил 19 августдаги

“Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги қонунини қабул қилди.

Конвенцияга аъзо ҳар бир давлат гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳаракатларни қасддан содир этилган тақдирда, ўз қонунчилигига биноан жиноий ҳуқуқбузарлик деб тан олиш учун зарур бўлиши мумкин бўлган чораларни кўриши талаб қилинади.

Конвенция гиёхвандлик жиноятларини оғирлаштирадиган ҳолатларни, уюшган жиноий гуруҳларни аниқлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни жамлашга ундайди. Чунки, конвенцияга аъзо давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари амалий тажрибасидан келиб чиқиб, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳаракатлар аксарият ҳолатларда уюшган жиноий гуруҳлар таркибида содир этилиб, айрим ҳолатларда шундай фаолият халқаро тус олиб трансмиллий жиноят сирасига айланиб қолганлигини кўришимиз мумкин. Зеро, бир давлат ҳудудидан ташқарига чиққан жиноий ҳаракат трансмиллий уюшган жиноятчилик тури деб баҳоланадаи [6].

Шунингдек, Конвенция томонлар ҳуқуқбузарликларнинг жиддий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш ёки унинг бошқа турлари, жазо ва мусодара қилиш каби санкцияларни қўллашни назарда тутувчи чораларини кўришлари тавсия этилади. Чунки, ноқонуний айланув катта фойда ва молиявий ресурсларни таъминлайди, бу эса трансмиллий жиноий ташкилотларга ҳукумат механизмларига, қонуний савдо ва молиявий фаолиятга ва жамиятнинг барча даражаларига кириб боришига, уларни парчалаш ва йўқ қилишга имкон беради.

Шу сабабли, Конвенцияда ҳар бир томонга ҳуқуқбузарликлар содир этилиши натижасида олинган даромад ёки қиймати бундай даромадга мос келадиган мулк, ҳуқуқбузарликларни содир этишда фойдаланиладиган ёки фойдаланиш учун мўлжалланган гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар, материаллар ва жиҳозлар ёки бошқа воситаларни мусодара қилиш, ваколатли органлар кейинчалик мусодара этиш мақсадида ноқонуний муомаладан олинган жиноий даромадларни ёки унда фойдаланилган мол-мулкларни аниқлаш, музлатиш ёки олиб кўйиш учун зарур бўлган чораларни кўриш мажбурияти юкланади [7].

Конвенцияга мувофиқ, иштирокчи давлатлар гиёхванд моддалар ноқонуний айланувидан тушган даромадларни мусодара қилишни соддалаштириш учун ўзларининг миллий қонунларини замон талабига мослаштиришга келишиб олдилар.

Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга алоқадор шахсларни экстрадиция қилиш ва таъқиб қилишни енгиллаштириш кўзда тутилиб, томонлар бир-бирларига жиноий ҳуқуқбузарлик бўйича тергов ва суд ишларини юритишда имкон қадар кенг ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар.

Жумладан:

- а) далиллар тўплаш;
- б) суд жараёни материаллари билан танишиш;
- в) тинтувлар ўтказиш ва ҳибсга олишлар;
- г) объектлар ва жойларни кўздан кечириш;
- д) ахборот ва ашёвий далилларни тақдим этиш;
- е) тегишли ҳужжатлар ва материалларнинг асл нусхаларини ёки тасдиқланган нусхаларини, шу жумладан банк, молиявий ёки тижорат ҳужжатларини тақдим этиш;
- ё) далилий мақсадларда даромадлар, мол-мулк, маблағ ёки бошқа буюмларни белгилаш ёки аниқлаш.

Фавқулодда ҳолатларда Халқаро жиноий полицияси (Интерпол) каналлари орқали ўзаро ёрдам кўрсатилади.

Мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят қидирув полициясининг халқаро ташкилоти (Интерпол)га кириши муносабати билан Ички ишлар вазирлигининг тузилмасида мустақил бошқарма ҳуқуқи билан Ўзбекистон Республикасида Интерполнинг Миллий марказий бюроси ташкил этилганлиги таъкидлаб ўтиш жоиз.

Томонлар гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни фош этиш учун материалларни ўзаро топшириш имкониятини кўриб чиқишлари, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш чоралари самарадорлигини ошириш мақсадида ўзларининг миллий ҳуқуқий ва маъмурий тизимларига мувофиқ ҳаракат қилиб, бир-бири билан яқин ҳамкорлик қилишлари лозим [8].

Конвенцияда яна бир эътиборга лойиқ жиҳат – бу ҳуқуқбузарликларни олдини олишга масъул бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа идоралар ходимларини ўқитиш учун махсус ўқув дастурларини ишлаб чиқиши ёки такомиллаштирилиши белгиланганлигидир.

Алоҳида транзит давлатларга ёрдам кўрсатиш ва қўллаш учун бевосита ёки ваколатли халқаро ёки минтақавий ташкилотлар орқали ҳамкорлик қилиш, эҳтиёжманд давлатларга техник ҳамкорлик доирасида кўмаклашиш масалалари ёритилган.

Халқаро амалиётда илк бор Конвенция ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг иш усули бўлган назорат остида етказиб беришни назарда тутди, бунда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ёки уларнинг ўрнини

босувчи моддалар, гиёҳвандлик жиноятларини содир этишда иштирок этган шахсларни аниқлаш мақсадида ваколатли хизматларнинг рухсати ва назорати остида бир ёки бир нечта мамлакат ҳудудига ноқонуний ёки шубҳали юкларни олиб киришга (экспорт қилишга, ташишга) рухсат берилади.

Маълумки, назорат остида етказиб бериш усули кейинчалик аксарият давлатлар миллий қонунчилигида тезкор-қидирув тадбири сифатида эътироф этилди. Бизнинг миллий қонунчилигимизга кўра назорат остида етказиб бериш - эркин реализация қилиниши тақиқланган ёки муомаласи чекланган ёхуд жиноят объекти, предмети ва курули бўлган товарлар, валюта қиммат-ликлари, моддалар ва бошқа предметлар олиб ўтилишини (ташилишини, жўнатилишини, топширилишини) тезкор-қидирув фаолиятининг вазифалари-ни ҳал этиш мақсадида ноошкора назорат қилишдан иборат бўлган тадбир ҳисобланади [9].

Конвенциянинг муҳим жиҳати бу прекурсорлар (дори воситаларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган моддалар) устидан назоратни ўрнатилганлигидир. Конвенция, аввалги конвенциялар билан тартибга солинадиган моддаларнинг, яъни гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар прекурсорлари ҳисобланган бошқариладиган моддалар рўйхатини белгилайди.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний ишлаб чиқариш ёки тайёрлашда фойдаланиладиган материал ва ускуналарни сотилиши ёки чиқиб кетишининг олдини олиш учун зарур чораларни кўриш ва шу мақсадда ҳамкорлик қилиш белгиланган.

Конвенция талабига кўра томонлар почта жўнатмаларидан ноқонуний айланув учун фойдаланишнинг олдини олиш чораларини кўрадилар ва шу мақсадда бир-бирлари билан ҳамкорлик қиладилар.

Ундан ташқари, конвенцияга қўшилган мамлакатлар гиёҳвандлик восталари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний муомаласига қарши кураш соҳасида ўз давлатлари миллий қонунчилигининг мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғрисида ахборот алмашиш ва келгусида ушбу қонунчиликка киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида бир-бирларини хабардор қилишлари лозим.

Зеро, Конвенция, одамлар саломатлиги ва фаровонлигига жиддий таҳдид соладиган, жамиятнинг иқтисодий, маданий ва сиёсий асосларига салбий таъсир кўрсатадиган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши, талаби ва савдоси кўлами ва тенденциясидан чуқур хавотирда бўлган ҳолда, шунингдек, турли хил ижтимоий гуруҳлар орасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний савдоси тобора кўпайиб бораётгани, айниқса, дунёнинг кўп жойларида болалар ноқонуний гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг истеъмолчилари сифатида фойдаланилаётгани ва уларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва савдосида

эксплуатация қилинаётгани ва бу ҳолатда жуда катта хавф мавжудлиги чуқур ташвишга солаётганлиги инобатга олиниб қабул қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, Бирлашган миллатлар ташкилотининг 1961, 1971 ва 1988 йилги Конвенциялари асосида жаҳон давлатларининг аксарияти ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг халқаро миқёсдаги ноқонуний айланувига қарши курашишда янада самарали ўзаро ҳамкорлик амалга оширилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонун ҳужжатлари миллий базасининг расмий веб-сайти www.lex.uz.
2. БМТнинг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомаласига киритишга қарши кураш тўғрисида”ги 1988 йил 20 декабрь Конвенцияси.
3. БМТнинг “Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида”ги 1961 йил 30 март Ягона Конвенцияси.
4. БМТнинг “Психотроп моддалар тўғрисида”ги 1971 йил 21 февраль Конвенцияси. Қонун ҳужжатлари миллий базасининг расмий веб-сайти www.lex.uz.
5. БМТнинг 2000 йил 15 ноябрдаги “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши” Нью-Йорк конвенцияси. Қонун ҳужжатлари миллий базасининг расмий веб-сайти www.lex.uz.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 32-I-сонли “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Конвенциясига қўшилиш ҳақида”ги 1995 йил 24 февраль қарори.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги 2012 йил 25 декабрь ЎРҚ 344-сон қонуни. Қонун ҳужжатлари миллий базасининг расмий веб-сайти www.lex.uz.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги 1999йил 19 август 813-I-сон қонуни. Қонун ҳужжатлари миллий базасининг расмий веб-сайти www.lex.uz.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида Интерпол Миллий Марказий Бюросини ташкил этиш тўғрисида”ги 1994 йил 29 ноябрь 573-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари миллий базасининг расмий веб-сайти www.lex.uz.